



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/10**

**Ижтимоий-
гуманитар
фналар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Рофиева Г.Ю – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Бабабеков А. Маросим иқтисодининг антропологик таҳлили	4
Жўраев Ж. Ўзбекистонда муқобил энергия соҳасининг ривожланиши	8
Kimsanboyeva Z. XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asrning boshlarida Toshkent shahrining madaniy hayotida matbuotning o‘tni	12
Рахимов Н. Хоразм халқ шўролар жумхуриятининг маъмурй тузилиши ва шаҳарсозлиги масалаларига доир	16
Turdiyeva M. Ikkinchiji jahon urushiga o‘zbek ayollarning qo‘sghan hissasi	20
Hamidova M. Amir Temur va temuriylar davri tarixiy obidalarining me’moriy bezaklari xususida	23

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

Adilov N. Jismoniy tarbiya va sportning talabalar hayotidagi ahamiyati	27
Алиджанова Л. Ислом илохиётида инсон саломатлиги ва биоэтика муаммолари.....	30
Аллахова Л. Умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш йўллари ва шакллари.....	33
Асқарова Х. Бошланғич синф ўқувчиларида маданият ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг назарий асослари.....	37
Ахатжонов С. Вакиллик органлари ривожида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоатчилик назоратининг ўрни.....	41
Begmatova S. Bo‘lajak o‘qituvchilarda axborot-texnologik kompetentlikni rivojlantirishning huquqiy asoslari	45
Гофурова А. Олий таълим муассасаларида кийимларни конструкциялаш фанини ўқитишида 3d технологиясини кўллаш	48
Джўраев Ф. Ҳарбий хизматчилар маънавий-ахлоқий ва мафкуравий дунёкарашини шакллантиришнинг тарихий-фалсафий талкини.....	51
Жабборов И. Эр-хотин муносабатларида тенгликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	55
Hui Z., Yong-Feng Z. Study on the coupling and coordinated development relationship between higher education and regional economy in inner mongolia	58
Ismoilova Y. Bo‘lajak tarbiyachilarda pedagoglik odobi fazilatlarini shakllantrishning pedagogik xususiyatlari	61
Qarshiyeva Z., Begmatova D. Nanofizika asoslarini umumiy fizikani o‘qitishda qo‘llashning metodik asoslari	64
Qo‘ziboyev Sh. Fizika fanini o‘qitishda virtual laboratoriya mashg‘ulotlarini tashkil etish texnologiyalari	67
Qo‘ldasheva M. Kompetensiyaviy yondashuv asosida universal ta‘limni tashkil etish mexanizmlari	70
Латипов Р. Умумий ўрга таълим тизимида график таълим самарадорлигини ошириш муаммолари.....	74
Мажидов Н., Мажидов Ф. Место психолого-педагогических знаний в теоретической и практической подготовки будущего учителя	78
Мажидов Ф., Мажидов Н. Социально-психологические основы выбора профессии	82
Максудова X. Lingyodidaktil issues of teaching english for specific purposes in the field of medicine annotation	85
Маматов М. Янги Ўзбекистон ёшлари маънавиятини шакллантиришда ислом манбаларининг стратегик аҳамияти	89
Мирзаев М., Мухаммадиев У. Маданий алокаларнинг ривожланиши – туркй бирликнинг мухим омили.....	93
Mirsharipova Z. Talabalarning o‘quv jarayonida bilimlarni o‘zlashtirishlarida uyquning axamiyati.....	97
Мўминов А., Рахматиллаев М. Ёш гандболчиларнинг тезкорлик сифатини ривожлантириш технологияси.....	99
Муминова Д. Китоб – миллатнинг маданий ва маънавий мероси	103
Нишонов И. Дарсни ташкиллаштиришда ўқитувчининг маҳорати	107
Олимова М. Хотин-қизларнинг сиёсий хулқ-автори назарий ва амалий жиҳатлари	110
Омонов Р. Давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини оширишда интерактив давлат хизматларидан фойдаланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	113
Po‘latov S. 18-19 yoshli futbolchilarning maxsus chidamlilik darajasini qiyosiy tahlil qilish.....	117
Raxmonqulova D. Boshqaruv profili ofitserlarining o‘quv jarayoni sifatini oshirishga qaratilgan chet tili darslaridagi ogzaki harbiy buyruqlar (nemis tili materiallari asosida).....	120
Rahmonov N. Suzish mashg‘ulotlarining talabalar salomatligiga ijobiy ta‘siri.....	123
Rahmatova F. Fanlararo integratsiya-tafakkurni rivojlantiruvchi omil	126
Сайдова Ф. Қадриятлар тизимида шахслараро идрокнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	130
Саттарова Г. Илк ўспириналарда ирода кучининг намоён бўлиши ва унинг мотивацион компонентлар билан боғлиқлиги.....	134
Tashtayev Sh. Voleybol- TDTU talabalarining jismoniy ko‘rsatkichlarini yaxshilovchi vosita sifatida.....	138
Тўхтасинов Б. “Давлат – халқ учун” ғояси ўзбекка хос умуммиллий жамоавий сафарбарлик ифодаси	141
Ҳайдарова Р. Финландия таълим тизимининг бошланғич синflарида математика дарсларини ўқитишининг айрим масалалари	145
Xudoyberganov Z. Talabalar orasida sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy madaniyatning o‘tni	148
Хушматова Г. Сиёсий фаолият онгли равишда шахснинг ҳатти-харакатида намоён бўлувчи омил	151
Ҳақбердиев Б. Интегратив ёндашувнинг мухим вазифалари.....	154
Хусанова Х., Содикова Ш. Замонавий ижтимоий ҳимоя тизимида дифференциаллик ва интеграция	157
Чиниева С. Внедрение в педагогический процесс образовательных инноваций и инновационная деятельность преподавателя	162

Филология

Abdujabborova X. Falsafa terminologiyasining dunyo tilshunoslari tomonidan o‘rganilishi.....	165
Abdullaeva M. Linguocultural characteristics of proverbs expressing gender relations	168
Абдуллаева Р. Понятие ценности как основной составляющей концепта в паремиях	171
Азимов И. Жадидлар ва ўзбек тили унлилар тизими.....	174



УДК: 930

Наврӯзбек РАХИМОВ,

ТДҮТАУ доценти в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

E-mail: raxitov.n_1990@list.ru

тарих фанлари доктори, профессор Н.А.Мустафаева тақризи асосида

ХОРАЗМ ХАЛҚ ШЎРОЛАР ЖУМХУРИЯТИНИНГ МАЪМУРИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ШАҲАРСОЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Аннотация

Ўзбек халқи тарихида, шу жумладан, Ўзбекистон худудидаги кадимий давлатчилик тарихида Хоразм воҳаси ўзига хос ўрин тутади. Мақолада XX асрнинг илк чораги ташкил этилиб советлаштириш сиёсати натижасида тутатилган Хоразм Халқ Шўролар Жумхуриятининг шаҳарсозлиги, маъмурӣ тазилишидаги бир қатор ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: XXШЖ, Шаҳарсозлик, маъмурӣ тазилиш, Иchan-кала-шаҳристон, туман, "маҳалла-мавзе элот", "қитъа", "жаріб".

ПО ВОПРОСАМ АДМИНИСТРАТИВНОГО СТРОЕНИЯ И ГОРОДСКОГО ХОЗЯЙСТВА ХОРЕЗМСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКИ

Аннотация

Хорезмский оазис занимает особое место в истории узбекского народа, в том числе и в истории древней государственности на территории Узбекистана. В статье анализируется ряд изменений в градостроительной и административной структуре Хорезмской Народной Советской Республики, сложившейся в первой четверти XX века и завершившейся в результате политики советизации.

Ключевые слова: XНСР, Градостроительство, административное планирование, Ичан-кала – шахристан, район, «махалла-мавзе элот», «қитъа», «джаріб».

ON ISSUES OF ADMINISTRATIVE STRUCTURE AND URBAN ECONOMY OF THE KHOREZM PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC

Annotation

The Khorezm oasis occupies a special place in the history of the Uzbek people, including in the history of ancient statehood on the territory of Uzbekistan. The article analyzes a number of changes in the urban planning and administrative structure of the Khorezm People's Soviet Republic, which took shape in the first quarter of the 20th century and ended as a result of the Sovietization policy.

Key words. KhPSR, Urban planning, administrative planning, Ichan-kala - shahrstan, district, "mahalla-mavze elot", "kita", "jarib".

Кириш. Ўзбек халқи тарихида, шу жумладан, Ўзбекистон худудидаги кадимий давлатчилик тарихида Хоразм воҳаси ўзига хос ўрин тутади. Суғорма дехқончилик, шаҳарсозлик, давлатчилик, меъморчилик, хунармандчилик, санъат, маънавий-мағкуравий ҳаёт ва бошқа соҳаларда дунё цивилизациясига кўшган ўзига хос хиссаси билан милоддан олдинги I минг йилликнинг бошларидан то XX асртагача кўплаб тарихий вокеликларга гувоҳ бўлиб келган ушбу воҳа тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бугунги куннинг муҳим масалалардан биридан.

XX асрнинг илк чораги дунёнинг кўплаб худудларида шаҳарсозлик, модернизатсия жараёнлари жадал ривожланди. Бу даврда Марказий Осиё минтақасида миллий озодлик курашларининг кучайиши, маърифатпарварлик ҳаракатларининг юзага келиши, йирик империяларнинг мустамлакасига айланган турли халқларнинг ўз миллий давлатини қайтадан тиклашга интилиши жараёнлари кечди. Бу жараёнлар Туркистон ўлкасида ўзгача шаклларда кечди ва пировард натижада бугунги Ўзбекистон Жумхуриятининг ташкил топишига замин яратилди. Ўз миллий давлатчилигини тиклаш максадида амалга оширилган ишлардан бири – 1920 йилда Хоразм Халқ Шўролар Жумхуриятининг ташкил топишига бўлди ва унинг қарийб беш йиллик фаолияти ватанимиз тарихида чуқур из қолдириди.

Мавзуга оид адабиётларниң таҳлили. Қарийб беш йил мобайнида Хоразм Халқ Шўролар Жумхуриятининг маъмурӣ тазилиши, шаҳарсозлигида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўзгаришларнинг ҳуқукий асоси сифатида 1920 йил 30 апрелда кабул қилинган XXШЖнинг биринчи Конституциясида маъмурӣ тузилишига доир алоҳида бўлим ва моддалар ажратилган.

XXШЖ ўз конституциясига кўра мустақил давлат сифатида иш олиб бориб, ўзининг маъмурӣ бирликларини белгилаб олади. Бунга кўра XXШЖ 22 та туманга бўлинган эди: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешарик, Ҳонқа, Янги Урганч, Гурлан, Қипчоқ, Мангит, Қиличбой, Моноқ, Тошқовуз, Пўрси, Ҳужайли, Кўхна Урганч, Кўнғирот, Хива, Илонли, Фазовот, Шовот, Хитой, Кўшкўпир.

XX аср Хоразм тарихига доир мағкуравий ёндашувдан ҳоли бир қанча тадқиқотларда XXШЖнинг маъмурӣ тузилиши малаласига эътибор қаратилган. Чунки асрлар давомида мавжуд бўлган бошқарув тартиблари билан бир қаторда маъмурӣ тузилишда шу пайтгача мавжуд бўлган хон хонадони вакиллари ва юкори мартабали амалдорлар бошчилик киладиган вилоят, ноиблик ўрнида этник жиҳатларга асосланган холда туманларга ажратилди. Чунки совет маъмурлари XXШЖнинг маъмурӣ бўлинишида ҳам "Нифоқ сол,

хукумронлик қил” тамоилига содик қолди. Улар асрлар давомида қон-қариндошлик ришталари билан боғланган ўзбек, туркман, қозоқ, қорақолпок ҳалқлари ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатликини йўқ қилган йўлини тутидилар.

М.Маткаримовнинг “Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди” асарида ушбу ёндашувга ургу берилади: “1920 йил апрель ва май ойининг бошларида ушбу туманларнинг туман кенгашлари (советлари) тузилиб, уларнинг хар бирида 5-7 кишидан иборат кенгаш аъзолари сайланди. 14 та ўзбеклар яшайдиган, 5 та туркманлар яшайдиган ва 3 та қозоқлар яшайдиган туманларда кенгашлар сайланниб, хар бир туман маҳаллаларида оқсоқоллар сайланди”[1].

1923 йил 20 октябрда бўлиб ўтган Бутун Хоразм ҳалқ вакилларининг IV қурултойи ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида карор қабул қилинди[2]. Ушбу карор 20 октябрда қабул қилинган 5 та бўлим 12 та бобдан иборат Конституция билан мустаҳкамланди. XXXШЖнинг маъмурй тузилиши масаласига ҳам алоҳида тўхталигтан.

XXXШЖнинг қурултойларида марказ тасирида бу каби маҳаллий бошқарув органларига бир неча бор ўзгаришилар киритилиб турганлиги доир Н.Жўраев ва Ш.Каримовларинг тадқиқотлари фикримизни исботлайди. “Бутун Хоразм IV Шўролар қурултойи қарорлари асосида ўлкада 4 вилоят ва 8 та туман ижроия қўмиталари ташкил этилиб, улар Ҳазорасп вилояти, Янги Урганч вилояти, Тошховуз вилояти, Хўжайли вилояти бўлиб, марказ Хива алоҳида туман сифатида колдирилди. 1924 йил май ойида XXXШЖда Янги Урганч вилоятида ўзбеклар кўпчиликни ташкил этиши сабабли туманлар бирлаштирилиб (Хива туманидан ташқари) вилоятлар 4 тадан 3 тага қисқартирилди. Кам сонли кичик миллатларнинг манфаатларини эътиборга олган холда Хоразм МИҚ қошида миллий бўлиmlар: 9 кишидан иборат – Туркман бўлими; 5 кишидан иборат – Қозоқ бўлими ва 3 кишидан иборат – Қорақолпок бўлими ташкил этилди[3. Б. 199].

XXXШда шаҳарсозлик, асосан, маъмурй марказ Хива шаҳрида бўлган. Хива шаҳри кўп асрлик тарихи давомида у қайта-қайта таназзулга учраши ва қайta юксалиши шаҳарнинг тузилишида ўзгаришларни бўлишига сабаб бўлган. Шаҳарнинг XIX асрдаги кўринини бугунги кунгача сақланиб қолган.

Хива шаҳрининг тарихий топографиясида аниқ белгиланган кисмлардан иборат бўлган. Қалъа атрофида шаҳар куришининг анъанавий тамойили акс эттирилган: арк (қалъа) - Шаҳристон (шаҳар тўғри) - рабод (шахар атрофи). Ичап-қалъа (Шаҳристон) кучли қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, унинг атрофида шаҳар атрофи-Дишанкала (ташки шаҳар) маҳаллалари жойлашган, ўз навбатида, қалъа деворлари билан ҳам ўралган[4. С. 13].

Хива шаҳрининг XX асрда биринчи чорагидаги тузилиши ва қиёфасини Маткарим Неъматуллаев томонидан 1920 йилда тузилган харитадан олиш мумкин.* Бу харита шуниси билан диккатга сазоворки унда нафакат мавжуд бўлган иморатлар шунингдек аҳоли сони, ер майдонлари, масжид ва мадрасалар харитада аниқ ўз ифодасини топган. Режада шу даврнинг 14 та дарвазаси (Иchan ва Дишан қалъадаги) номлари билан, 43 та мадрасаси, 79 та масжид мадраса ва масжидларнинг вакфлари ҳам қайд этилган кўчаларнинг жойлашуви, маъмурй бинолар, бозор ва карвонсаройлар ва бошка бинолар тасвирга олинган. М.Неъматуллаев маълумотига кўра 1920 йилда Хива шаҳрида 4949 оиласда 27083 та киши, жумладан Иchan қалъада 909 та оила ва унда 13767 та киши, Дишан қалъада 4040 та оила ва 13316 киши истикомат килган. Шаҳарнинг майдони тахминан 468

танобни ташкил этган ва бир таноб 60 газга, 1 газ эса 0,5 аршинга тенг хисобланган[5].

* Ушбу харита ҳозирги кунда Иchan қалъа музей кўрикхоаси фондида ва негативлари Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт Вазирлиги қошидаги ёдгорликларни муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси архивида сақланмоқда.

Тадқиқот методологияси. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатяпдики XIX аср охири-XX аср бошларида Ўзбекистоннинг аксари шаҳарларда асосан иккι погонали бошқарув бўлган. Бу шаҳарларнинг маъмурӣ-режавий бўлиннувида ўз аксини топган. Бўлинмалар йирик ва майда шаҳарсозлик бўлинмалари шаклида вужудга келган. Йирик ва майда бўлинмалар турли иборалар билан юритилган. Кўкон, Марғilon, Тошкент каби шаҳарларда тўрттадан йирик бўлинмалар бўлиб, улар «даҳа» ибораси билан аталган. Самарқандда ҳам бундай йирик бўлинмалар тўртта бўлиб «қитъя» ибораси билан аталган. Бухоро шаҳрида эса йирик шаҳарсозлик бўлинмаларидан ўн иккита бўлиб «жариб» ёки «маҳалла» дейилган. «Маҳалла» ибораси кўпроқ майда шаҳарсозлик бўлинмаларга нисбатан килиб айтилган (Тошкент, Кўкон, Марғilon). Демак, «маҳалла» Бухорода йирик бўлинмаларни, бошка шаҳарларда эса майда бўлинмаларни ифода этган. Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда кичик бўлинмалар «гузар» деб аталган.

Хоразм шаҳарларининг, хусусан Хиванинг бундай худудий-маъмурй бўлиниш тизими тўғрисидаги аниқлик йўқ эди. Маҳалла ва гузарга ўхшаш кичик бирикмалар мавжуд адабиётларда «элот» номи билан аталиб келинган[6. С 68].

Хива хонлари архивида аҳоли жойларининг рўйхати келтирилган бўлиб, унда «масжид» деб аталган жойлардан таркиб топган кишлоқлар тариқасида берилган. «Масжид» ибораси кенг маънодаги «маҳалла» каби кичик шаҳарсозлик бирлиги маъносидаги кўлланилган. Ҳар бир хонадонларда ўртача 6 кишидан истикомат килган деб фараз килсан, Шайхлар кишлоғи масжидларининг таҳминий аҳолиси 270 киши атрофида бўлиб чиқади. Бизнинг фикримизча бундай, Шайхлар каби қишлоқ жойларига «элот» иборасини ишлатиши ўринлидир. Хоразмда «масжид» сўзи нафакат диний муассаса биносини, балки аҳоли истикомат киладиган шаҳарсозлик тизимини ифода этилганлиги бошка манъбада ҳам ўз тасдигини топади. Жумладан, А.Абдурасулов тадқиқотида Хивада олдин аҳоли истикомат килган жойлари «масжидқавм» деб аталган (кўм – «қавм» - уюшма сўзининг қисқартмаси) [7. Б. 19].

Таҳлил ва натижалар. А.Абдурасулов Хивага бағишиланган ўзининг монографиясида катта шаҳарсозлик бўлинмаларига нисбат килиниши мумкин бўлган кимматли маълумот бор. У Хивада тўққизта: Амин чорсу, Кумёска, Каптархона, Ўр, Кўхна бозор, Калта минор, Мойвастон, Қора аълам, Янги қалъа «мавзе»лари бўлганилигини қайд этган[8]. Ундан ташкири «Таъмиршунослик» институти материалларида Иchan қалъа саккизта «қўчा»га ажратилган[9]. Бизнинг таҳмин килишимизча саккизта кўчা А.Абдурасулов келтирилган мавзеларга тўғри келади. «Мавзе» сўзи Хивага бағишиланган зикр килинган манбадан ташкири бошка манъбада учрамайди. Аммо «элот» сўзи маҳсус нашрларда ва ҳозирги вактда оғзаки нутқда мустаҳкам ўрин олган. Мазмун жихатидан улар бир шаҳарсозлик бўлинмани ифода этишини назарда тутсак уларни «мавзе-элот» лар деб атаси тўғрирок кўринади. Агар ҳозирги маҳаллалар билан мавзе-элотларни солиширадиган бўлсан, холосамизнинг бошка асосларини ҳам топишимиз мумкин. Хиванинг Иchan қалъасида мавзе-элотлар ҳозирги маҳаллаларнинг иккитасида (Кумёска, Каптархон) ўз

номини саклаб қолган ва шу мавзеэлотлар жойлашувига тўғри келади. «Мавзеэлот»лар Дишан қалъада ҳам давом этган. Биргина мавзе-элот (Қора аълам) факат Иchan қалъада жойлашган ва биргина мавзе-элот (Кумёска) факат Дишан қалъада жойлашган. қолганлари ҳам Иchan қалъада, ҳам Дишан қалъада жойлашганини кўришимиз мумкин.


Ш.Рейимбаев “Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири - XX аср бошларида архитектуравий - тархий тизими” номзодлик диссертациясида Хоразм шаҳарларининг худудий-маъмурӣ тизими шаҳарнинг маъмурӣ бўлинмалари орқали намоён бўлишини таҳлил қилган. У XIX аср охири XX аср бошларида жамоаларни, қишлоқларни, аҳоли истиқомат қиласидиган жойлар шаҳарсозлигининг кичик бўлинмалари бўлган масжидқавмлар орқали бошқарилганлиги, шу даврда қавм, жамоа ўттиз хонадонга етса, катта жамоа хисобланганлиги ва масжидқавмга бирлаштирилганлиги, қавмларнинг аксарияти ўнга яқин хонадонлардан иборат бўлганлиги ва қавмлар бир жамоага уюшган ҳолда ер, сувдан биргаликда фойдаланишган, жамоа томонидан сайланган йиғилиш-кенгаш орқали бошқарилганлиги ҳакида тўлиқ мъалумотлар келитириб ўтган. А.Абдурасуловнинг олиби борган тадқиқотлари натижаси XX аср бошларида шаҳарда мавжуд бўлган жаъми (шу жараёнда шахсан иштирок этган Бобоҷон Сафаровнинг шахсий архивидан олинганд) 79 та масжидқавмдан факат 65 тасида аҳоли колганини аниқлади. М. Нематуллаев томонидан 1922 йилда чизилган шаҳар режасида ҳам 79 та масжидқавм номини қайд этилган ва уларнинг 65 тасида аҳоли, хонадон сони кўрсатилган. Масжидқавм номлари эса берилмаган. Шу даврда Хива шаҳрида 64 та масжидқавм мавжуд бўлган. Масжидқавмлар номлари А.Абдурасуловга кўра кўйидагича: Боборис бобо, Мискин бобо, Пояки, Фассоллар, Абдулла раис, Богбонли, Исмоил бекча, Тоҳир элон, Саид ота, Поянда, Отамурод қушбеги, Мусо тўра, Қози хос, Товғон турк, Саид, Махмуд ота, Ҳасанурод Қушбеги, Уч авлиё, Бектемир, Ҳасан кури, Фалғал, Пано заргар, Чилла авлиё, Отажон девон, Роғаник, Нурилло читкар, Нуриллабек, Ҳабиулло эшон, Мамат маҳрам, Ҳусайн заргар, Норбек, Абдулла сарроғ, Шоқаландар бобо, Бобо карвонбоши, Ёқуб меҳтар, Нуриллабой, Ҳасан боғбон, Қалам ясовулбоши, Маткарим

сайис, Султонобод, Жонкелди, Ибодулло эшон, Саид Мухаммаджон, Нури Хўжа, Олак Эдакчи, Кулол Масжид (кулоллар), Каптархона, Бозор юзбоши, Ҳасан қули, Раҳмонберди бий, Машарип ласси, Кумёска, Сайдомит (Саид Ҳамил тўра), Полвон кори, Обдол бобо, Саид Ниёз шоликор, Тўрт Шоббоз, Ҳон масжид, Давлат қоракўз, Фаффорбой, Заргар масжид, Гадойлар, Қора аълам, Мадраимхон, Ислом хўжа[10]. Ўша даврда шаҳар масжидқавмлари хонадонлар сони билан бирбиридан кескин фарқ қилган. Масалан: Иchan қалъадаги энг кичик Fassollar масжидларни 23 та хонадонда 78 киши (ўртача ҳар хонада 3-4 киши) яшаган. Дишан қалъадаги энг катта Саид Ниёз Шоликор масжидларни эса 184 та хонадонда 833 нафар киши (ўртача ҳар хонадонда 4-5 киши) яшаган. Масжидқавм номлари эса табиий равишда шу ерлик аҳолининг шугулланадиган касб - хунаридан ёки масжидқавм масжидидини курдирган киши номидан келиб чиқиб аталаверилган.

П.П.Иванов «Хива хонлиги архиви» материалларида Хива атрофидаги 147 та қишлоқлар (турар жой пунктларини) рўйхатини келтирган. Уларнинг энг каттасида 10 та масжидқавм бўлиб, «Науҳас» номи билан аталаган, энг кичиги эса «Рофаник» номи билан аталашиб, атиги бир одам яшши таъкидланган.

Мавзеэлотлар тўғрисида архитектор, Хива архитектураси тарихи билан шугулланган Ш.Рейимбоев кўйидагича изоҳ берган: “Бу йирик бўлинмалар ҳозирги кунгача манбаларнинг айрим жойларида “элот”, бошка жойларида “мавзе” деб аталиб келинган. Бунга аниқлик киритиш учун бу мазкур йирик бўлинмаларни «мавзе-элот» деб атадик” [11. Б. 19]. Тарихчи олим А.Абдурасулов ҳам Хивада 9 та мавзе-элот («мавзе») бўлганлигини таъкидлайди. Булар: Қумёска, Каптархона, Ўр, Кўхна бозор, Калта минор, Амин чорсу, Мойвастон, Қора аълам ва Янги қалъа мавзе-элотлари[12. Б. 63].

Ш.Рейимбоев ўзининг “Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошларида архитектуравий – тархий тизими” тадқиқотида А.Абдурасулов фикрларини тасдиқлайди. “Агар шаҳарда 80 та масжидқавм бўлган бўлса, бу мавзе-элотларнинг ҳар бири ўрта хисобда 9 та масжидқавмни ўз ичига олган. Булар худуди жиҳатдан ҳозирги маҳаллаларга тўғри келади” [13].



М.Нематуллаев томонидан 1920 йилда тузилган харита топилгунгача бўлган Хива шаҳри билан боғлиқ тадқиқотларда кўчаларнинг эски номлари, мадрасас ва масжидлар сони турли даврдаги тадқиқотда турлича кўрсатилиб келинди.

“Шуниси илмий жиҳатдан эътиборга сазоворки”, – деб ёзди А.Абдурасулов “Хива” деб номланган тарихий этнографик очерклар тўплланган китобида – “мазкур режа топилгунга қадар кўчаларнинг эски номлари, мадрасас ва масжидлар сони турли даврдаги тадқиқотда турлича кўрсатилиб келинди. Чунончи, эълон қилинган рисолаларда Хива шаҳрида 96 масжид, 120 мадрасас бор деб келинди” [14]. XXШЖ ёш ҳукуматига марказнинг

таъсири ва асосий урғуни ўлкани бирламчи ҳомашё базасига айлантириш сиёсати аҳолининг демографик ҳолати, шаҳарсозлик масалаларини 2 даражали масалаларга айланниб қолишига олиб келди.

Хулоса ва тақлифлар. Бу давр Хоразмда шаҳарсозлик соҳасидаги эришилган ҳамма ютукларга мөймор, архитектура тарихчиси И.И.Ноткин шундай деб баҳо беради “... XIX аср бошлари ва XX асрда Хива мөймурларининг ғоялари ўзининг энг юқори чўққисига етиб, ҳалқ меморчилиги тажрибаси билан узвий боғланган, аввалом бор орнаментал-декоратив санъатда ва фуқаро архитектураси намуналарида ўз аксини топган” [15].

Хулоса сифатида XXШЖ кисқа фаолияти даврида этник ҳусусиятлардан келиб чиқкан ҳолда маъмурӣ тузилиши бир неча маротаба ўзгартирилди. Шаҳарсозлик, миллӣ архитектуравий фикр-мулоҳаза юритиш, яъни архитектуравий ғоялар мамлакатда тӯхтаб колди, ҳалқ услубларини рус-европа архитектураси эгаллади ва айтарлик даражада муваффақиятта эришмади. Хива

хонлиги 1920 йилда тутатилди, Хоразмда хокимият рус ҳукумати кўлига ўтди. Хива шаҳри XXШЖ киска беш йилга яқин даврида ҳеч бир бош режасиз стихияли равиша ривожланди. 1920-1924 йиллар даврига оид бирорта ҳам ҳарита йўқ. Ўтган асрдаги 1920 йилгача бўлган даврлардаги эришилган архитектура ютуқлари бу вақтга келиб бутунлай тӯхташ даврини бошидан кечирди.

АДАБИЁТЛАР

1. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иктисади. – Урганч, 199, Б. 49.
2. Ўз МА, Р-71 фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 116-117-варак; 45-иш, 25-29-вараклар; "Хоразм Ҳалқ Жумхурияти" (ўзбекча). Энциклопедик луғат. 2. Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси. 1988. п. 369. 5-89890-018-7.
3. Jo‘rayev N., Karimov Sh. O‘zbekiston tarixi. O‘zbekiston Soviet mustamlakachiligi davrida. Ikkinci kitob. – Т.: Sharq, 2011. – В. 199.
4. Рахманов А. К исторической топографии Хивы XVI-XX веков. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.7/8 Ташкент, 1997. С. 13.
5. Обследование историко-архитектурной застройки территории «Дишан-Кала» в г.Хива. – архив ГлавНПУ. Т. 1987. Том II. стр.19
6. Пылатов Х.Ш. Архитектурно-планировочная структура старого Ташкента (конец XIX-XX вв).: кан. дисс. канд. арх.-Т.: ТАСИ. 1994 С.68.
7. Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон. 1997. Б. 19.
8. Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон. 1997. Б. 63.
9. Фаниев К., Қобулов А., Ризаев И., Ярмухамедова О. Анализ традиционного жилья на территории Иchan кала г.Хива. // проект УзНИИПИ реставрация. Т.: 1983.
10. Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон. 1997. Б. 49.
11. Рейимбоев Ш.С.Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги архитектуравий – тархий тизими. Ур.: 1997. Б. 19.
12. Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон.1997. Б. 63.
13. Рейимбоев Ш.С.Хоразм шаҳарларининг... Б. 20.
14. Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 23 б.
15. Обследование историко-архитектурной застройки территории «Дишан-Кала» в г.Хива. – архив ГлавНПУ. Т. 1987. Том II стр.19